**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКРАМОВ МИРМУҲСИН РУСТАМОВИЧ**

# ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**19.00.06 - Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**УДК 378:371.03:370.153**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on psychological Sciences**

**Акрамов Мирмухсин Рустамович**
Талабаларда экологик тасаввурлар ривожланишининг психологик жиҳатлари.....3

**Акрамов Мирмухсин Рустамович**
Психологические аспекты развития экологических представлений у студентов……23

**Akramov Mirmukhsin Rustamovich**
Psychological aspects of development of ecological thinking in students…….43

**Эълон қилинган ишлар рўйҳати**
Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АКРАМОВ МИРМУҲСИН РУСТАМОВИЧ**

# ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАСАВВУРЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**19.00.06 - Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Psi32 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.Ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Сафаев Нуриддин Салихович**
психология фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:** **Жабборов Азим Меликулович**
психология фанлари доктори, профессор

**Шамшетова Анжим Карамаддиновна**
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.Psi.01.07. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети (5-қават,511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( ___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисми, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____да тарқатилди.

(2018 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

**Ғ.Б.Шоумаров,**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси,п.ф.д., профессор

**А.И.Расулов,**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Д.Г.Мухамедова,**
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатлари учун кейинги ўн йиллик атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳаракатларни танқидий таҳлил этиш даври бўлди. 1992 йилдаги БМТнинг Иқлим ўзгаришлари доирасидаги конвенцияси ва 1997 йилда Киотода атроф-оламни ифлосланишининг ҳамкорликда бартараф этиш бўйича қабул қилган баённомаси ушбу йўналишларда олиб борилаётган амалий ишларнинг яққол намунаси саналади. БМТ раҳбарлигида океанларнинг ифлосланиши, қирғоқ ерларнинг таназзули, озон қатламига етказилган зарар, хар хил турдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг йўқолиб боришининг олдини олиш тўғрисида шартномалар қабул қилинганлиги экологик муаммонинг ечимини топишга қаратилган ҳаракатларнинг исботидир[1]. Мазкур ҳолат экологик тарбиянинг узвий қисми бўлган экологик тасаввурлар мажмуи саналган экологик онгни шакллантириш нақадар муҳим эканидан далолат беради.

Ҳозирда жаҳон миқёсида илмий тадқиқотлар инсон реакцияларининг табиий муҳит билан бўлган ўзаро таъсирини тадқиқ қилишда хулқ-атворнинг ҳудудий ва атроф-муҳитни идрок этиш билан боғлиқлиги, табиатга муносабатнинг индивидуал, ижтимоий ва оммавий чегаралари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва иқлим ўзгаришининг шахс хулқ-атворига таъсири, психика билан атроф-муҳитнинг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари тадқиқ этилмоқда. Саноатлаштириш инқилоби инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни кескин бузилишига олиб келганлиги чуқурроқ англанмоқда. Бу эса табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни психологик таҳлилини амалга ошириш зарурияти мазкур соҳадаги хал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолар сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш”[2] каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ёшларнинг экологик тасаввурларини шакллантириш, уларнинг табиатга нисбатан конструктив муносабатларни камол топтириш чора-тадбирларини амалга оширишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати

---

[1] Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг Ахборот маркази томонидан Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг “Рақамли ривожланиш ташаббуси” дастури Т:. 2003 – 262 б.

[2] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – 6 (766)-сон.

тўғрисида”ги Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экологик психология соҳасидаги тадқиқотларнинг салмоқли қисми когнитив ва конатив масалаларни ўрганишга бағишланади. Уларда мазкур муаммо бутун цивилизацияга хос тизимли инқироз доирасида таҳлил этилган (Дилигентский Г.Г.)[3]. Ҳозирги ва бўлажак экологик офатларга доир хавотир фақатгина илмий нашрлар билан ниҳояланмайди. Ижтимоий фикрни ўрганиш омманинг кенг қатламларини ҳам атроф–муҳит муаммолари ташвишлантираётганини кўрсатмоқда (Ожегов Ю.П.. Никонорова Е.В., Рыжиков А.И., Шагун Г., Павлов В.И., Рыженков П.Е.)[4]. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотларда одамзотда экологик йўналган хулқ-атвор мавжуд бўлмай, унда табиатни фаол равишда вайрон этишга мойиллик мавжудлиги таъкидланади (Фаустова Э.Н.)[5].

Инсон хулқининг аксил-экологик кўринишлари антропоцентризм парадигмасидан келиб чиқадиган ва чексиз прогресс талабларига асосланадиган технологик цивилизация қадриятларининг устуворлиги билан белгиланади. Цивилизациянинг мазкур кўриниши табиий муҳитни инсон ҳамжамияти тараққиётининг шарти сифатида идрок этади ва табиий ресурсларни истеъмол этишга қаратилган (Рили Э., Гэллап Д.Г., Гэллап А.М.)[6].

Экологик онгга “табиатга нисбатан мавжуд экологик тасаввурлар, табиат билан ўзаро таъсирга киришиш технологиялари ва мос стратегиялари йиғиндиси” сифатида қарайдиган тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Буларга тааллуқли ишларда урғу асосан табиат ва унинг алоҳида “объектлари” идрокининг психологик хусусиятларига қўйилади (Дерябо С.Д., Ясвин В.А.)[7].

---

[3] Дилигентский Г.Г. "Конец истории" или смена цивилизаций? // Вопр. философ. 1991. № 3. С. 29-42.

[4] Ожегов Ю.П., Никонорова Е.В. Экологический импульс: Проблемы формирования экологической культуры молодежи. М.: Молодая гвардия, 1991. Рыжиков А.И. Заповедное и его восприятие человеком // Вопр. психол. 1993. № 5. С. 66 - 74. Шагун Г., Павлов В.И., Рыженков П.Е. Исследование экологического сознания детей и подростков // Психол. журн. 1994. Т. 15. № 1. С. 41-49.

[5] Фаустова Э.Н. Экологическое сознание студентов: дефицит знаний (на основе социологического материала) // Вестн. МГУ. Сер. 12. Социология. 1991. № 4. С. 72 - 78.

[6] Рили Э., Гэллап Д.Г., Гэллап А.М. Здоровье планеты // Социолог. исслед. 1992. № 12. С. 11 — 32.

[7] Дерябо, С. Д., Ясвин, В. А. Экологическая педагогика и психология. – Ростов – на – Дону: Издательство «Феникс»,1996.

Шу билан бирга, индивидуал экологик тасаввурлар табиий муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш тажрибасига мос равишда шаклланади, алоҳида олинган индивиднинг тажрибаси эса социумнинг табиатга бўлган муносабати хусусиятлари билан белгиланади. Мазкур хусусиятлар маиший экологик тасаввурларда ўз аксини топган бўлиб, улар, ўз навбатида, экологик жиҳатдан аҳамиятли вазиятлардаги хулқ-атворнинг конкрет шаклларини танлаш билан бевосита боғланади.

Табиатга муносабат инсон томонидан амалга ошириладиган экологик жиҳатдан аҳамиятли ҳаракатлар қандай мазмун касб этишида намоён бўлади. Бундай ҳаракатлар мазмуни эса уларнинг мотивацион негизи тўғрисидаги тасаввурларда очиб берилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” (2017-2021 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабаларда экологик тасаввурларни шакллантириш усулларининг самарадорлигини ошириш ҳамда методик жиҳатдан такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экологик тасаввурлар ҳақидаги илмий билимлар тизимидаги асосий қараш ва ёндашувларни аниқлаш;

экология билан боғлиқ муҳим қарорлар мотивлари хусусидаги тасаввурлар, экологик қадриятлар тизимини аниқлаш;

талабаларда экологик тасаввурлар ривожланишининг ахлоқий маданият, шахс ички зиддиятлари билан алоқадорлиги хусусиятларини белгилаш;

экологик тасаввурларни тизимли ҳосила сифатида кўздан кечириш ва хусусиятларини аниқлаш;

экологик ориентацияларни бошқа ҳаётий қадриятлар ва шахс психологик ҳимоя механизмлари билан ўзаро муносабатини асослаш;

талабаларда экологик тасаввурларни шакллантиришни такомиллаштириш юзасидан психологик тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Навоий давлат педагогика институтларининг 411 нафар талабалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** экологик хулқ билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш мотивлари хусусидаги тасаввурлар, экологик тасаввурлар тизими, ахлоқий хулқ-атвор, табиий ва экзистенциал воқеликка муносабатлар хусусиятлари ҳамда уларни шакллантириш имкониятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатиш, суҳбат, В.А.Ясвин ва С.Д.Дерябонинг “Натурафил” методикаси, В.А.Ясвиннинг “Альтернатив” методикаси, И.Г. Дубов ва А.А. Хвостовларнинг “Ахлоқий хулқ-атвор мотивларини ўрганиш” методикаси, А.А.Баканованинг “Ҳаётга, ўлимга ва инқирозли вазиятларга муносабатни аниқлаш” методикаси, Бэррон-Уэлшнинг “Эстетик шкаласи” методикаси ҳамда математик статистика асосланган факторли таҳлил, дискриминант таҳлил, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларда экологик тасаввурлар ва ахлоқий онг тараққиёт динамикасига кўра “ҳадик ичидагилар”, “ҳаётга мослашаётганлар”, “хафсаласиз бўлиб бораётганлар” ва “маданийлашганлар” типлари ажратилган;

талабалар экологик тасаввурларининг ривожланиши уларда табиатга нисбатан прагматик ва эстетик муносабат, ўзига ва социумга нисбатан когнитив, прагматик ва эстетик муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлганлиги аниқланган;

экологик тасаввурларнинг ривожланиши таъсирида талабалар хулқ-атвори сифатларини ифодаловчи “ахлоқий интроект”, “ахлоқ-ўзгалар билан муносабат ўрнатиш мезони”, “ахлоқ-шахснинг индивидуал масъулиятлилик мезони” каби омиллар аниқланган.

“Альтернатива” ва “Натурафил” методикаларидан маҳаллий шароитда самарали фойдаланиш учун миллий-маданий муҳитга мос ишончлилик, объективлик, валидлик даражаларини таъминловчи психометрик меъёрлар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экология билан боғлиқ муҳим қарорлар мотивлари хусусидаги тасаввурлар, экологик қадриятлар тизими хусусиятлари аниқланди;

талабаларда экологик тасаввурлар ривожланишининг ахлоқий-маданий белгиланган шахс ички зиддиятлари билан алоқадорлигининг психологик хусусиятлари аниқланган;

экологик тасаввурларни тизимли ҳосила сифатидаги илмий маълумотлари олинган ва рефлексиянинг турли даражаларида намоён бўладиган тасаввурларнинг психологик хусусиятлари аниқланган;

талабалар экологик тасаввурларининг ривожланиши уларда табиатга нисбатан прагматик ва эстетик, ўзига ва социумга нисбатан когнитив, прагматик ва эстетик муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлиши аниқланган;

талабаларнинг экологик тасаввурларини коррекция қилиш бўйича ижтимоий-психологик тренинг дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши; олинган эмпирик натижаларни қайта ишлаш

математик-статистик таҳлил қилиш усуллардан фойдаланилганлиги (факторли таҳлил, дискриминант таҳлил, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони) ва миқдорий кўрсаткичларни психологик талқин этишда ишончлилик ҳамда муқаррарликнинг статистик мезонларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда тўпланган натижаларнинг илмий аҳамияти экологик хулқ-атвор негизи бўлган экологик тасаввурларнинг психологик асослари ҳақидаги илмий қарашларни кенгайтирилганлиги; психоэкологияга назарий қўшимча сифатида қўлланилиши мумкинлиги; талабалик даврини шахс психологик тараққиётида тутган ўрни тўғрисидаги илмий билимлар жамланганлиги; инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга оид муаммоларни ўрганишда психосемантик ёндашув имкониятларини кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти **ё**шларда экологик маданиятни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилишида; экологик тасаввурларни ўрганиш орқали шахс психик тараққиётига хос хусусиятларни аниқлаш йўлларини очиб беришида; психик ривожланиш жараёнида экологик психологиянинг шаклланиши босқичларини аниқ назорат қилиш методикасини кучайтирилишида ўз ифодасини топган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларда экологик тасаввурлар ривожланишининг психологик жиҳатларини ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари асосида:

талабаларда экологик тасаввурлар ва ахлоқий онг тараққиёт динамикасига кўра “ҳадик ичидагилар”, “ҳаётга мослашаётганлар”, “хафсаласиз бўлиб бораётганлар” ва “маданийлашганлар” типлари аниқлаш бўйича янгилик материаллари “Психик саломатлик ва етуклик психодиагностикасини такомиллаштириш механизмлари” мавзусидаги устувор илмий-тадқиқот йўналиши доирасида татбиқ этилган (Психология ўқув илмий марказининг 2018 йил 24 октябрдаги 02-07-2413/02-сонли маълумотномаси). Натижада лабораториянинг илмий-методик таъминотини бойиши таъминланган;

талабаларнинг экологик тасаввурларининг ривожланиши уларда табиатга нисбатан прагматик ва эстетик, ўзига ва социумга нисбатан когнитив, прагматик ва эстетик муносабатларнинг шаклланишига сабаб бўлувчи омиллар “Психология” ўқув-илмий маркази фаолиятида жорий қилинган (Психология ўқув илмий марказининг 2018 йил 24 октябрдаги 02-07-2413/02-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида педагогларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлигини аниқлашнинг психодиагностик воситаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

экологик тасаввурларнинг ривожланиши таъсирида талабалар хулқ-атвори сифатларини ифодаловчи “ахлоқий интроект”, “ахлоқ-ўзгалар билан муносабат ўрнатиш мезони”, “ахлоқ-шахснинг индивидуал масъулиятлилик

мезони” каби факторларини аниқланганлигига доир илмий янгилик материаллари Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Қўқон давлат педагогика институти таълим жараёнларига татбиқ этилган (ОЎМТВнинг 08.07.2016 йил 03907-сонли гувоҳномаси ҳамда Психология ўқув илмий марказининг 2018 йил 24 октябрдаги 02-07-2413/02-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларнинг таълим жараёнида ўқитувчиларнинг талабалар билан ўзаро муносабатларида уларнинг типологик хусусиятларига мувофиқ ёндашишларини кучайтирган;

“Альтернатива” ва “Натурафил” методикаларидан маҳаллий шароитда самарали фойдаланиш учун миллий-маданий муҳитга мос ишончлилик, объективлик, валидлик даражаларини таъминловчи психометрик меъёрлар ишлаб чиқилганлигига доир илмий янгилик “Психология ўқув илмий маркази” фаолиятида фойдаланилган (Психология ўқув илмий марказининг 2018 йил 24 октябрдаги 02-07-2413/02-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида талабаларда экологик тасаввурларни ривожлантириш, экология билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилиш, экологик аҳамиятли ҳулқ-атворнинг психологик асослари ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтириш, талабалик даврининг шахс психик тараққиётида тутган ўрни тўғрисидаги маълумотларнинг холислиги ва аниқлигини таъминлашга хизмат қилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар **киритилган.**

Диссертациянинг биринчи боби “Инсон ва муҳит ўртасидаги ўзаро муносабат психологик муаммо сифатида” деб номланган бўлиб унда замонавий экологик психология соҳасидаги илмий изланишлар таҳлили

берилган. Жумладан, ХХ-асрнинг биринчи ярмида шаклланган муҳит психологияси доирасида, ҳозирги кунда ижтимоий экология мазмунидаги терминни истеъмолга олиб кирган Р.Парк ва Е.Берджес, Э. Холл ва Р.Соммер қарашлари таҳлили амалга оширилган.

С.Троубридж одамларнинг шаҳар тўғрисидаги маконий тасаввурларини таҳлил қилган. Э.Толменнинг “Инсон ва каламушларнинг когнитив хариталари” деб номланган тадқиқоти инсон ва ҳайвонларнинг маконий тасаввурларини ўрганишга бағишланган. У томонидан когнитив харита тушунчаси ишлаб чиқилган.

Маконий билиш муаммоларини тадқиқ этишга Ж.Пиаже ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Унинг фикрига кўра боланинг маконий хулқ-атворни ўзлаштириши бошида интуитив тарзда амалга ошади. Ривожланиш жараёнида эса тўплаган концептуал тажрибасидан онгли равишда фойдалана бошлайди. Натижада маконий муносабатларни адекват аксини таъминлайдиган билиш жараёнлари абстракт тизими мавқеига эга бўла бошлайди.

К.Линч тадқиқотлари субъект томонидан шаҳар муҳитини идрок этиш ва баҳолаш муаммоларини ўрганишга қаратилган. К.Линч типик Америка шаҳри образини ўрганишда тизимли ёндашувдан фойдаланган. К.Линч инсоннинг эмоционал барқарорлигини таъминлашда шаҳарнинг “яхши” образининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Инсон ва муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир психологик табиатга эга деган назарий тасаввурлардан бири К.Левиннинг “Ҳаётий макон” концепциясидир. Ушбу концепцияга биноан шахсда муттасил ташқи ва ички кучлар ўртасида ўзаро таъсир мавжуд (эҳтиёжлар, мотивация, муҳит шароитлари, инсон мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ёки уларга кўмак берадиган конкрет вазият). К.Левин формуласига биноан хулқ-атвор идрок этилаётган муҳит ва шахс ҳатти-ҳаракатлари уйғунлигидир. К.Левин ҳаётий маконнинг “чегара ҳудуди” тушунчасига алоҳида урғу беради. Чегара ҳудуди деганда айни дамда ҳаётий маконга таъсир этадиган ижтимоий ва моддий оламнинг муайян қисми назарда тутилади.

Инсон ва муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар назарияси ривожланишида Х.Мюррейнинг қарашлари алоҳида ўрин тутади. Х.Мюррей фикрига кўра, организм унинг хулқ-атворини детерминация қиладиган маълум бир муҳитда туради. Ушбу назарияга биноан индивиднинг ҳатти-ҳаракатлари муҳит хусусиятлари билан белгиланади ва муҳитдан алоҳида таҳлил этилмайди. Х.Мюррей муҳит психологиясининг методологик аппарати ривожига катта эътибор қаратган.

Психология фанининг кейинги тараққиёти (когнитив психология, неофрейдизм, гуманистик психология) инсон ва муҳит ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганишнинг янги ёндашувларини белгилаб берди. Янги ёндашувларга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат эди:

1. Шахсни ўрганишга қаратилган классик парадигмаларга асосланганлик, имкон бўлса уларни уйғунлаштириш.

2. Муҳитларнинг турли тоифаларини баҳолаш услубларини такомиллаштиришга доир адекват тамойилларни яратиш.

Мазкур масалаларни ечишда шахс ва моддий оламга тааллуқли барча муаммоларни ягона бир тизимга солувчи ўлчов аппаратини ишлаб чиқиш муҳим эди. Эмпирик тадқиқотлар натижаларига кўра, муаммони кейинги ўрганилиши қуйидаги икки йўналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди:

1. Муҳит билан боғлиқ феноменларнинг "ички макони" (внутреннее поля) (шахсни ўрганилишида қўлланилаётган турли шкалалаштиришлар ва методикалар муҳит психологияси соҳасида қўлланилиши мумкинлиги масаласини текшириш зарурияти)

2. Муҳит билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи тадқиқотларни дифференциал психология соҳаси билан интеграция қилиш (бунинг учун ҳар бир соҳанинг методик аппаратини такомиллаштириш лозим).

Муҳит персонологияси соҳасининг алоҳида олинган йўналишларидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳитнинг инсонга таъсир қилиш йўлларини ва характерини ўрганиш масаласи ўзининг аниқ ифодасини топди.

Бошқа, шахс хусусиятлари билан муҳит ўртасидаги муносабатлар Anderson; Baron, Ransberger; Carlsmith, Anderson тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Андерсон (Anderson) зўравонлик ва зўравонликка оид бўлмаган турдаги жиноятларнинг ҳаво ҳароратига боғлиқлиги бўйича икки архивли тадқиқотни ўтказган.

Диссертациянинг иккинчи боби **"Экологик тасаввурлар ривожланишини ўрганишнинг илмий-методик асослари"**га бағишланган бўлиб, мазкур бобда психодиагностик маълумотлар синтези ва улар интерпретациясига доир муаммолар таҳлил этилган. Тадқиқотнинг эмпирик қисмида қўлланиладиган методикаларнинг адаптация ва валидизация масалалари ҳал этилган. Ушбу методикаларни экспериментал тадқиқот мақсадларига монандлигини исботланган.

Психологик диагностика ёрдамида олинган маълумотларни миқдорий ва сифатий ҳамда математик-статистика методлари орқали таҳлил қилиш олинган натижалар негизидаги хулосаларнинг илмийлигини таъминлаб берган. Илмий тадқиқотлар учун экологик онгни ўрганишга доир бўлган "Альтернатива" ва "Натурафил" методикалар бизнинг муҳитга мослаштирилган.

**"Экологик тасаввурлар ва ахлоқий тараққиёт ўртасидаги алоқаларнинг психологик хусусиятларини эмпирик асосланиши"** деб номланган диссертациянинг учинчи боби талабаларда экологик тасасаввурлар ривожланишида ахлоқий тараққиёт аҳамиятини кўрсатишдан, ахлоқий онг ва табиатга бўлган муносабатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар динамикасини аниқлашдан, ахлоқий онг психологик хусусиятларига кўра респондент-талабалар типологияси фарқлашдан иборат бўлган.

Биз ахлоқий хулқ-атвор мотивларини ўрганишга доир методикани қўлладик чунки, муносабатларни мотивлар белгилаши мумкин. Мазкур методика И.Г. Дубов, А.А. Хвостовлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг катта гуруҳлари маиший онгидаги аҳлоқий хулқ-атвор детерминантларини ўрганишга имкон беради. Бироқ методика адаптацияси жараёнида бир қатор муаммоларга дуч келдик. Буларнинг энг асосийси россияликлар ва ўзбекистонликларнинг ахлоқ тўғрисидаги тасаввурларининг фарқланишидир, яъни ментал хусусиятлар билан боғлиқ. Муаллифлар томонидан тузилган методикада 54 та ахлоқий хулқ-атвор детерминантларига доир таъкидлар 16 та факторда ўз аксини топган. Бизда эса пилотаж тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар жамланиб, факторли таҳлил қилинганда 16 та эмас 17 та икки қутбли факторлар ҳосил бўлган. Бундай ҳолатда методика яратувчилари томонидан берилган оригинал таҳлил калитлари бизнинг миллий муҳитда ўзига хос трансформацияга дучор бўлганини қайд этиш мумкин. Яъни, ушбу методикани ўз холича таҳлил этиш мазмуний янглишишларга сабаб бўлади. Биз унда берилган 54 та таъкидни дискриминант таҳлил усули бўйича қайта ишлашни лозим топдик.

Дискриминант таҳлил икки хил гуруҳларга тааллуқли муаммолар ечимини топишга ёрдам беради.

1. Турли синфлар ўртасидаги фарқларни интерпретация қилиш, яъни қуйидаги саволларга жавоб беради: бир синф бошқа синфдан берилган туркум ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда қанчалар аниқ фарқланиши; ушбу ўзгарувчиларнинг қайси бири синфларни фарқлашда юқори даражада муҳимлигини аниқлашда.

2. Объектлар классификациясида яъни алоҳида олинган ҳар бир объектни дискриминант ўзгарувчилар қийматидан келиб чиққан ҳолда синфларнинг қайси бирига тааллуқлилигини аниқлашда.

Дискриминант таҳлилнинг номинатив ўзгарувчиси сифатида биз талабалар таҳсил олаётган курсларни олдик (1-2-3-4- курслар). Шундан келиб чиққан ҳолда 54 та таъкиднинг ҳар бири алоҳида шкала сифатида кўздан кечирилган. Дискриминант таҳлил SPSS-11.5 программаси ёрдамида амалга оширилган. Дискриминант таҳлил натижалари 1- жадвалда ўз аксини топган.

Биринчи каноник факторга кирган таъкидлар қуйидагилардан ташкил топган (фактор юкламалари юқориларидан бошлаб саналади):

Ижобий қутбда: “чунки кейин ўз қилмишларингиз учун изтироб чекишга мажбур бўлмайсиз” (0.918), “чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади” (0.521).

Салбий қутбда: “чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди” (-0.564), “чунки, акси бўлса ҳаётга мослаша олмайсан” (-0.505).

Ушбу факторнинг мазмуний таҳлили талабаларда ташқи локус мавжудлигини кўрсатмоқда: ахлоқ доирасида ҳатти-харакат қилсанг жамиятдаги мавқеинга путур етмайди ва кейинчалик изтироб чекишга мажбур бўлмайсан.

1-жадвал

**Каноник дискриминант функциянинг меъёрлашган коэффициентлари**

| Сўроовнома таъкидлари | Функция | | |
|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 |
| чунки, акси бўлса ҳаётга мослаша олмайсан | -0,505 | - | - |
| чунки яхшилик – сизнинг инсоний бурчингиздир | - | - | 0,843 |
| чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади | 0,521 | 0,516 | - |
| чунки Сиз ахлоқни оқилона иш деб ҳисоблайсиз | - | - | 0,506 |
| чунки ахлоқдан барчага манфаат бор | - | -0,628 | - |
| чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди | -0,564 | 0,590 | - |
| чунки кейин ўз қилмишларингиз учун изтироб чекишга мажбур бўлмайсиз | 0,918 | - | - |
| чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз | - | -0,408 | -0,462 |

Бироқ шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, факторнинг салбий қутби (талабалар онгида) одамлар ахлоқий хулқ-атвордан ёвузлик мақсадида ҳам фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатмоқда: ахлоқ ҳаётга мослашиш бўлгани учун барча ахлоқ доирасида ҳаракат қилса ҳам бу оламда ёвузликка жой топилади.

Мазкур факторни “ахлоқ интроект сифатида” деб номладик.

Иккинчи факторга тааллуқли таъкидларга эса қуйидагилар киритилган: Ижобий қутбида “чунки барча ахлоқ доирасида бўлса оламда ёвузликка жой қолмайди” (0.590), “чунки буни Сизнинг жамиятдаги мавқеингиз тақозо қилади” (0.516).

Салбий қутбида: “чунки ахлоқдан барчага манфаат бор” (-0.628), “чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз” (-0.408).

Ушбу факторнинг мазмуний таҳлили талабаларда ахлоқ хусусида яна қуйидагича фикр мавжудлигини кўрсатди: ҳар ким ўзининг жамиятда тутган мавқеига яраша иш тутса бу оламда ёвузликка жой қолмайди. Зотан (факторнинг салбий қутби) ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрламайдиган инсон ахлоқ барчага бирдай манфаат келтирмайди деб ҳисоблайди.

Мазкур факторни шартли равишда ахлоқ ўзгалар билан бўлган муносабатлар мезони сифатида деб номладик.

Учинчи факторнинг ижобий қутбидан жой олган таъкидларга “чунки яхшилик – сизнинг инсоний бурчингиздир” (0.843), “чунки Сиз ахлоқни оқилона иш деб ҳисоблайсиз” (0.506) кирса, унинг салбий қутби “чунки ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш лозим деб ҳисоблайсиз” (-0.462) таъкидидан иборатдир.

Учинчи факторнинг мазмуний таҳлили ахлоқ эзгуликдан иборат бўлиб у инсоний бурчдир, шундай экан ахлоққа риоя этиш оқилона иш эканини англатмоқда. Зотан, факторнинг салбий қутби мазкур факторнинг олдинги икки фактордан фарқли жиҳатини очиб бермоқда: ахлоқ оқилона иш экан ўзгалар билан бўлган муносабатлар унга таъсир этмаслиги зарурлигини эътироф этмоқда.

Учинчи факторни шартли равишда “ахлоқ индивидуал масъулият мезони сифатида” деб номладик.

Дискриминант таҳлил муайян номинатив қийматлар классификациясини амалга оширишга ҳам хизмат қилишини инобатга олган холда, биз ахлоқий хулқ-атвор детерминантлари хусусидаги тасаввурларнинг курслараро тафовутларини нималарда акс этишини кузатдик. Таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

Биринчи курсда талабалар каноник дискриминант функциялари биринчи факторининг салбий қутбига (-1.007) яқин бўлган бир пайтда иккинчи курсда ўз қарашларини тубдан ўзгартиришиб мазкур факторнинг ижобий қутбига (0.905) кўчиб ўтишган. Яъни улар биринчи курсда таҳсил олаётганда ахлоқ доирасида ҳатти-харакат қилсанг жамиятдаги мавқеинга путур етмайди ва кейинчалик изтироб чекишга мажбур бўлмайсан деб фикр юритган бўлсалар, иккинчи курсга келиб ахлоқ ҳаётга мослашиш воситаси экан, чунки барча ахлоқ доирасида ҳаракат қилса ҳам бу оламда ёвузликка жой топилади деган фикрга қўшилмоқдалар.

2-жадвал

**Гуруҳлар марказларига доир функциялар (центроидлар)**

| Курслар | Функция | | |
|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 |
| 1-курс | -1,007 | -0,180 | 0,121 |
| 2-курс | 0,905 | -0,422 | 0,183 |
| 3-курс | 0,284 | 0,906 | 0,258 |
| 4-курс | 0,147 | 0,097 | -0,954 |

Ушбу вазият бизнингча, талабаларнинг бир маданий муҳитдан (оила ва мактаб ёки лицей ҳамда коллеж) кескин фарқ қилувчи бошқа бир муҳитга тушиш ҳамда ушбу муҳитдан хафсаласиз бўлиб бораётганлиги билан белгиланиши мумкин. Мазкур вазият талабаларнинг янги муҳитга мослашиш жараёни оғир кечаётганлигини билдиради. Чунки учинчи ва тўртинчи курсларга келиб талабалар факторнинг мувозанатлашган нуқтасига яқинлашганлар (мос равишда 0.284 ва 0.147).

Талабаларнинг иккинчи ва учинчи курсдаги ахлоқ хусусидаги тасаввурлари ҳам кескин трансформацияга учраганининг гувоҳи бўламиз: иккинчи курсда иккинчи факторнинг салбий қутбига яқин бўлсалар, учинчи курсга келиб уларнинг фикрлари мазкур факторнинг ижобий қутбига яқинлашган. Яъни, иккинчи курсда таҳсил олаётганда ҳар ким ўзининг жамиятда тутган мавқеига яраша иш тутса бу оламда ёвузликка жой қолмайди, деб ҳисоблашган бўлса, учинчи курсга келиб ўзгалар билан бўлган

муносабатларни инсон муайян бир манфаатларни кўзлаб “қадрлаши” ёки қадрлайдигандай қилиб кўрсатиши мумкин деган фикрга ўзгартирганлар.

Тўртинчи курсга келиб эса (турмуш ва таълим жараёнида юзага келган энг қалтис ижтимоий вазият) талабалар ахлоқ шу тарздаги “ўзгалар билан бўлган муносабатларни қадрлаш” бўлса, бундай муносабатларни қадрлашнинг кераги йўқ деган хулосага келганлар.

Юқорида зикр этилган фактларни инобатга олган холда талабаларни биринчи курсдалигида шартли равишда “хадик ичидагилар”, иккинчи курсдалигида – “ҳаётга мослашаётганлар”, учинчи курсдалигида – “хафсаласиз бўлиб бораётганлар” ва тўртинчи курсдалигида – “маданийлашганлар” (яъни ахлоқни шунчаки маданиятлиликнинг бир белгиси сифатида тушунаётганлар) тоифаларига фарқлаб чиқиш мумкин.

Бундай типологияни амалга оширишдан мақсад мазкур “тоифа”ларга тааллуқли шахсларнинг экологик онгидаги ўзига хосликларни аниқлашдан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳам табиий ҳам ижтимоий муҳитга бўлган муносабатнинг ўзгариши уларнинг экологик тасаввурларига қандай таъсир этиши мумкинлигини ойдинлаштирдик.

Демакки, хулоса қиладиган бўлсак инсон табиатнинг бир бўлаги экан ундаги ўзгаришлар табиатдаги ўзгаришларга ҳам туртки бўлиши мумкин.

Талабаларнинг ахлоқий онгидаги турмуш ва таълим жараёнида юзага келадиган ўзгаришларни ўрганишга доир тадқиқот иши бўйича қуйидаги хулосаларни чиқардик:

1. Талабалик даврининг ахлоқий онги шаклланиши хусусиятлари тор оилавий муҳитдан кенг ижтимоий муҳитга кўчиши билан белгиланади;

2. Талабалик даврида турмуш ва таҳсил босими остида талабаларнинг ахлоқий онги кескин деформацияларга дучор бўлади;

3. Талабалар ахлоқий онги тараққиётининг динамикаси таълим жараёни субъектларини тадқиқот объекти сифатидаги классификациясини амалга ошириш имкониятини беради;

4. Талабалар ахлоқий онгини статик ҳодиса сифатида кўздан кечириш психологик диагностика натижаларидаги англашилмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари ахлоқий тасаввурлар билан табиатга муносабат ўртасидаги ўзаро алоқанинг психологик хусусиятларини ҳам аниқладик.

Биз тадқиқотимиз вазифаларидан келиб чиққан холда “Натурафил” методикаси натижалари билан “Ахлоқий хулқ-атвор мотивларини” ўрганиш методикаси натижаларининг ўзаро алоқадорлигини математик-статистиканинг корреляцион таҳлили ёрдамида текшириб кўрдик.

Берилган натижалардан “ахлоқ - индивидуал масъулиятни зиммасига олиш” шкаласи билан “табиатга нисбатан муносабатлар интенсивлиги” шкаласи тўғри корреляцион ҳамда “ахлоқ - ижтимоий адаптация механизми” шкаласи “Табиатга нисбатан когнитив муносабат” ва “Табиатга нисбатан прагматик муносабат” шкалалари билан тескари корреляцион боғланишда экани аниқланди.

3-жадвал

**“Натурафил” методикаси натижалари билан “Ахлоқий хулқ-атвор мотивларини” ўрганиш методикаси натижаларининг ўзаро алоқаси**

| Табиатга бўлган муносабатлар кўринишлари | индивидуал масъулиятни зиммасига олиш | ижтимоий адаптация |
|---|---|---|
| Табиатга нисбатан когнитив муносабат | ,047 | -,206(*) |
| Табиатга нисбатан амалий муносабат | ,031 | -,155 |
| Табиатга нисбатан прагматик муносабат | -,035 | -,179(*) |
| Натуралистик эрудиция шкаласи | -,050 | -,148 |
| Табиатга нисбатан муносабатлар интенсивлиги | ,222(*) | -,031 |

Изоҳ: *-p≤0.05

Олинган маълумотларни изоҳлашга ҳаракат қилар эканмиз, С.Д.Дерябо алоҳида урғу берган масалага қайтамиз. Унинг амалий тадқиқотлари натижаларига кўра, ўспиринлик ёшида табиатга нопрагматик модалликка эга бўлган муносабатлар интенсивлиги кучаяди, шу билан бирга табиатга прагматик муносабатлар билан боғлиқ установкаларнинг намоён бўлиши пасаяди.

Биз олган маълумотлар С.Д.Дерябо маълумотларидан фарқли равишда, прагматик муносабат кучайишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, олинган маълумотларимиз бундай ҳодиса нима учун рўй бераётганига бироз бўлса-да ойдинлик киритади. Ўспиринлардаги табиатга нисбатан когнитив ва амалий муносабатларнинг ижтимоий адаптация механизмлари билан тескари корреляцион алоқаси кўп жиҳатдан “катталар олами” сингари янги маданий муҳитнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

4-жадвал

**Ахлоқий механизмларнинг талабалик давридаги динамикаси**

| шкалалар | Талабалик даври | Ўртача арифметик қиймат | Стандарт оғиш |
|---|---|---|---|
| ахлоқ - ижтимоий адаптация механизми | 1-курс | 9,58 | 2,083 |
| | 2-курс | 8,54 | 2,175 |
| | 3-курс | 9,00 | 2,432 |
| | 4-курс | 7,43 | 2,821 |
